

“Central Asia – 2017. Фан, таълим, маданият ва бизнесда интернет ва ахборот-кутубхона ресурслари” XI Халқаро конференцияси

ЯКУНИЙ ҲУЖЖАТИ

26-27 апрель 2017 й.

Наманган шаҳри, Ўзбекистон

Конференция ўтказишнинг асоси – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 февралдаги №126-Ф-сонли Фармойиши ва ушбу Фармойишда тасдиқланган “2017 йилда Ўзбекистон Республикасида ўтказиладиган халқаро илмий ва илмий-техникавий анжуманлар режаси” (1-илова, 30-банд);

2017 йил 2 мартдаги Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш мажлисининг 11-сонли Баёни (10-банд)

Қатнашувчилар сони – 407 нафар қатнашувчилар: 397 нафари республика ва 10 нафари хорижий қатнашувчилар.

Қатнашувчи давлатлар – Ўзбекистон, Германия, Қозоғистон, Россия Федерацияси.

Қатнашувчилар контингенти: ахборот-ресурс ва ахборот-кутубхона муассасалари, кутубхоналар, архивларнинг раҳбар ва мутахассислари, олимлар, таълим муассасаларининг ўқитувчилари, АКТ мутахассислари, жамоат арбоблари, вазирлик ва идоралар вакиллари.

Асосий ташкилотчилар – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Наманган вилоят ҳокимияти, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзархив” агентлиги.

Ахборот кўмаги: Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, оммавий ахборот воситалари, www.natlib.uz сайти, “INFOLIB” ахборот-кутубхона хабарномаси.

Конференция тадбирлари:

- конференциянинг ялпи ва секция йиғилишларида тингланган 68 та маъруза;

- “Мақтаб кутубхонасида ахборот маданияти ва медиа-ахборот саводхонлиги асослари бўйича машғулотларини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари” семинар-тренинги;

- “Илмий тадқиқотларни ахборот билан қўллаб-қувватлаш ва нашр этириш фаоллиги” маҳорат дарси;

- Ўзбекистон Республикаси йиғма электрон каталогини шакллантиришда ахборот-кутубхона муассасаларининг ўрни” ўқув тренинги;

- “UZMARC форматида ахборот-кутубхона ресурсларини каталоглаштириш” ўқув тренинги;

- EBSCO электрон маълумотлар базалари билан ишлаш асослари” тренинги.

“Central Asia – 2017” XI Халқаро конференциясининг асосий йўналишлари “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги Ф-4789-сонли фармойиши, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов томонидан 2017 йил 10 мартда тасдиқланган “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича Комплекс чора-тадбирлар Дастури”нинг кейинги амалга оширилиши билан боғлиқ бўлди.

Қатнашувчиларнинг диққати эътиборида нашриётлар, ахборот-кутубхона муассасалари ва оммавий ахборот воситаларининг ўзаро ҳамкорлиги йўналишларини амалга ошириш бўйича қуйидаги масалалар бўлди:

китоб мутолаасини тарғибот қилишда қулай ахборот муҳити ва фуқаролар учун фойдали ва ижтимоий аҳамиятли адабиётлардан фойдаланиш шароитларини шакллантиришда қўмаклашиш;

энг яхши адабиёт намуналари (матнлар, китоблар, нашрлар турлари)ни кенг китобхонлар қатлами орасида илгари суриш;

жамоатчилик фикрида мутолаа ва китоб маданиятининг муҳимлиги ва аҳамияти тўғрисида тасаввурларни шакллантириш;

китоб мутолаа қилувчи инсон, китоблар, адабиётлар, ахборот-кутубхона муассасалари, китоб дўконлари ва мутолаа билан боғлиқ бошқа ижтимоий институтларнинг ижобий ва ўзига жалб қилувчи тимсолларини яратиш ва 2016 йил Самарқанд шаҳрида ўтказилган X халқаро конференциядан бери ўзига хос бўлган йўналишлар бўлди.

Конференцияда фан, таълим, маданият ва иқтисодиёт ривожидида ахборот-кутубхона муассасалари ролининг сезиларли ўсиши билан қаторда ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари ва фойдаланувчилар, айниқса, ёшларнинг ахборот маданияти ва китобхонлик маданиятини оширишда шароитлар яратиш долзарб бўлиб бораётганлиги қайд этилди. Булар:

инсонга танлаш, тушуниш, босма (ёзма) шаклда берилган ахборотни ташкил этиш имконини берадиган, билимлар ва кўникмалар мажмуи сифатида тушуниладиган чуқур билимга эга китобхонликни ошириш ва уни шахсий ва жамоатчилик мақсадларида муваффақиятли фойдаланиш;

фуқароларнинг китобхонлик фаоллиги (қамров ва жадаллик)ни ошириш – мутолаа субъектларини жамиятда муваффақиятли мослаштиришда керакли даражага етказиш. Фуқароларнинг китобхонлик фаоллигининг ошиши фойдаланиш имкониятларининг ўсиши, босиб чиқарилаётган контент ва унинг ташувчилар (платформалар)ининг сифати ва турли хиллиги ҳисобига эришилади;

фуқароларни мунтазам ўқишга қизиқтириш – мутолаани оммалаштиришнинг самарали тадбирларига салоҳиятли китобхонлик аудиторияларини жалб қилишни юзага келтиради;

чуқур билимга эга китобхонлик даражасини ошириш имкониятларининг тушунарлилиги ва сифати.

Конференция қайд қиладики, XI Халқаро конференцияси якуний ҳужжатида берилган қуйидаги тавсиялар амалга оширилган:

О‘з DSt 3053:2016 “Ахборот, кутубхоначилик ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Ахборот-кутубхона ресурслари. Каталоглаштириш қоидалари” (Амалга киритиш муддати: 2016-02-01, Амал қилиш муддати: Чекланмаган, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 22.01.2016 йилдаги № 05-739-сонли Қарори билан амалга киритилган) Давлат стандарти ишлаб чиқилди ва амалга киритилди;

О‘з DSt 3118:2016 “Ахборот, кутубхоначилик ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Авторитет/меъёрий маълумотлар учун машина ўқий оладиган коммуникатив формат UZMARC Authorities” (Амалга киритиш муддати: 2017-01-01, Амал қилиш муддати: Чекланмаган, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 16.11.2016 йилдаги № 05-799-сонли Қарори билан амалга киритилган) Давлат стандарти ишлаб чиқилди ва амалга киритилди;

О‘з DSt 3117:2016 “Ахборот, кутубхоначилик ва “Нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Классификация маълумотлари учун машина ўқий оладиган коммуникатив формат UZMARC Classification (Амалга киритиш муддати: 2017-01-01, Амал қилиш муддати: Чекланмаган, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 16.11.2016 йилдаги № 05-799-сонли Қарори билан амалга киритилган) Давлат стандарти ишлаб чиқилди ва амалга киритилди;

Универсал ўнли классификация (УЎК, UDC Consortium) Халқаро консорциуми билан алоқа йўлга қўйилди, УЎКнинг инглиз/рус тилидаги

вариантлари олинди, классификаторни давлат тилига таржима қилиш ишлари амалга оширилди;

Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш мажлисининг 2016 йил 5 майдаги 10-сон баёни (2016 йил 5 майдаги №01-08/1-189)га мувофиқ, “INFOLIB-2016” V Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги ўтказилди;

Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш мажлисининг 2016 йил 5 майдаги 10-сон баёни (2016 йил 5 майдаги №01-08/1-189)га мувофиқ, 2016 йилнинг май ойдан октябрь ойигача “Ахборот-кутубхона муассасасининг энг яхши мутахассиси – 2016” Республика танлови ўтказилди;

2016 йил июнидан 2017 йилнинг июнигача Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий институтлари, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий таълим муассасалари, вазирлик ва идораларнинг етакчи ахборот-кутубхона муассасаларининг 120 таси EBSCO илмий-таълимий маълумотлар базаларидан жамоавий фойдаланиши ташкил этилди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 9 июлдаги “Нодир, алоҳида қимматли ва ноёб нашрлар сақланишини таъминлаш, уларнинг фондини тизимли кўпайтириш ва бойитиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 202-сонли қарорига мувофиқ комплекс тадбирлар амалга оширилмоқда. “Ахборот-кутубхона ресурсларини нодир ва алоҳида қимматли ахборот-кутубхона ресурсларига киритиш, шунингдек уларни сақлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом” меъёрий ҳужжатининг лойиҳаси ишлаб чиқилди;

ЮНЕСКОнинг “Ахборот ҳамма учун” ва “Жаҳон хотираси” қўмиталари билан ишлар давом эттирилди. Улар доирасида “Ахборот-кутубхона соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштириш даврида Ўзбекистон ахборот-кутубхона муассасалари мутахассисларининг ахборот маданияти ва медиасаводхонлигини шакллантириш” лойиҳаси концепцияси ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда (Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Халқ таълими вазирлиги, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси).

Конференция қуйидагиларни қайд қилади:

Республика ахборот-кутубхона муассасаларида қилинган ишларга мувофиқ алоҳида эътиборли ечим талаб қиладиган айрим масалалар мавжуд:

мавжуд ахборот-кутубхона муассасалари аҳолининг кенг қатламларига хизмат кўрсатиш заруриятидан келиб чиққан ҳолда уларнинг жойлашиш ва вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар бўйича бўйсунтириш тартибини қайта кўриб чиқиш, уларнинг фаолияти ва ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш зарур.

2016-2017 ўқув йилида ягона олий таълим муассасаси – Тошкент ахборот технологиялари университети “АКТ соҳасида касбий таълим” факультети “Ахборот-кутубхона тизимлари” кафедрасида ахборот-кутубхона кадрлари тайёрлашни таъминлаш кўрсаткичи 60 нафар талабани кўрсатмоқда, бу эса ахборот-кутубхона иши бўйича олий малакали мутахассисларни тайёрлаш масалаларини ўрганиб чиқишни талаб қилади;

ахборот-кутубхона ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш даражаси паст бўлиб қолаётганлиги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳузурида ва ахборот-кутубхона марказларида янги ахборот-кутубхона технологиялари бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув-консультатив курсларини очишни талаб қилмоқда. Асос: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 февралдаги “2011-2015 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари негизида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматлари кўрсатишни сифат жиҳатидан ривожлантиришни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1487-сон қарори (1-илова, 10-11 бандлар).

ахборот-кутубхона фондларини маълумотнома-энциклопедик адабиётлар, мустақил таълим олиш ва илмий-тадқиқот фаолияти учун лотин ёзувидаги адабиётлар, шунингдек янги ахборот ташувчилардаги адабиётлар билан комплектлаш даражаси қониқарсиз бўлиб қолмоқда;

ахборот-кутубхона фондларини комплектлашни, айниқса таълим соҳаси ахборот-ресурс марказларини ўқув адабиётлари билан бир қаторда бадий, маърифий, илмий-оммабоп адабиётлар билан тўлдириш, шунингдек уларни харид қилиш учун харажатлар сметасини қайта кўриб чиқишни талаб қилади;

Ўзбекистон давлат библиографиясини тайёрлаш ва чоп этиш тўлиқ даражада ва ҳажмда олиб борилмаяпти, шунинг учун Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Ўзбекистон Республикаси матбуот солномасини шакллантириш учун ахборот-кутубхона марказлари вилоят нашрлари библиографик маълумотларини тайёрлаш бўйича ишларни яхшилаш ва маълумотларни бериш зарур;

нашрларнинг мажбурий нусхаси асосида шакллантирилган миллий ахборот-кутубхона фондини ҳуқуқий тартибга солиш ва ривожлантириш тизимини ислоҳ қилишни талаб қилмоқда. Ташувчиларнинг барча турларидаги миллий ва ҳудудий нашрларнинг давлат ҳисобини амалга оширадиган муассасалар учун зарур ҳисобланган, республиканинг миллий ахборот-кутубхона фондини шакллантиришга керакли ва унинг келажак авлод учун сақлаш, ундан аҳолининг эркин фойдаланишини таъминлаш учун “Нашрларнинг мажбурий нусхаси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонунининг тез қабул қилиниши зарур;

Республика аҳамиятига эга “Ахборот-кутубхона муассасалари фондидан ахборот-кутубхона ресурсларини чиқариш тартиби тўғрисида”, “Ахборот-кутубхона муассасаларининг ахборот-кутубхона фондларини сақлаш тўғрисида” йўриқномалар тасдиқланмаган.

Конференция тавсия қилади:

а) меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва ахборот-кутубхона муассасаларида янги ахборот технологияларини жорий қилиш бўйича:

Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш ва Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳузуридаги Республика методик кенгаши ўзининг тасарруфида ахборот-кутубхона муассасалари бўлган манфаатдор вазирлик ва идоралар (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Маданият вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва бошқ.), шунингдек “Ўзархив” агентлиги, Интеллектуал мулк агентлиги қуйидаги масалаларни ўрганиб чиқиши ва ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантиришда ўзларининг асосий вазибалари қилиб билишларини:

“Нашрларнинг мажбурий нусхаси тўғрисида” Қонун лойиҳаси, “Ахборот-кутубхона мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

“Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар объекти ҳисобланган рақамлаштирилган босма ахборот-кутубхона ресурсларига тегишли муаллифлик ҳуқуқларини тартибга солиш мақсадида ўзгартишлар киритиш;

республика ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари, шунингдек кутубхоналари фаолиятини ташкил этиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни (“Ахборот-кутубхона маркази тўғрисида Намунавий низомни тасдиқлаш тўғрисида” ва “Ахборот-ресурс маркази тўғрисида Намунавий низомни тасдиқлаш тўғрисида” Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси) (Асос: “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни”: 6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ахборот-кутубхона фаолияти соҳасидаги ваколатлари) тасдиқлаш;

“Ахборот-кутубхона муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби ҳақида Низомни тасдиқлаш тўғрисида” Вазирлар

Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва муҳокамага киритиш (Асос: “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни”: 6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ахборот-кутубхона фаолияти соҳасидаги ваколатлари, 15-модда. Ахборот-кутубхона муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш);

ахборот-кутубхона фондларини ўз вақтида хатловдан ўтказиш ва сақлаш масалаларида меъёрий-ҳуқуқий базани шакллантириш мақсадида “Ахборот-кутубхона муассасаларининг ахборот-кутубхона фондларини сақлаш тўғрисида” ва “Ахборот-кутубхона муассасалари фондидан ахборот-кутубхона ресурсларини чиқариш тартиби тўғрисида” йўриқномалари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига белгиланган тартибда тасдиқлашга бериш учун Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига буйруқ қабул қилишни юклатиш;

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва ахборот-кутубхона муассасалари мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек хориж кутубхоналарига стажировкаларни ташкил этиш бўйича идоралараро қарорлар ва дастурлар ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш (Асос: “Алишер Навои номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси – ахборот ресурс маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 1-илова, 23-модда.)

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, ОАВ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги Ф-4789-сонли фармойиши, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Ишчи гуруҳ раҳбари А.Арипов томонидан 2017 йил 10 мартда тасдиқланган “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича Комплекс чора-тадбирлар Дастури”ни амалга ошириш доирасида:

- мутолаани қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришнинг инфратузилмасини ташкил қиладиган асосий институтлар – ахборот-кутубхона муассасалари, таълим ва маданий-маърифий муассасалар, китоб саноати, ишлаб чиқариш саноати ва турли воситалар (газеталар, журналлар, ҳужжатлар ва ҳ.к.з.) орқали контентнинг бошқа турларини тарқатиш, мутолаани оммалаштириш тизими, мутолаа инфратузилмаси учун кадрларни тайёрлаш тизимлари, мутолаа муаммоларини илмий-методик ўрганиш тизими, мутолаанинг ижтимоий-маданий маконини тартибга солиш ва мустаҳкамлаш;

- мутолаа инфратузилмаси институтлари, шунингдек ижтимоий-маданий маконни тартибга солишни таъминлайдиган институтлар ва бошқарув тизимлари ўртасида ахборот алмашишнинг самарали тизимини яратиш;

- мутолаани қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш инфратузилмасини бошқариш тизими, яъни мутолаа соҳасида сиёсатни шакллантирувчи ва амалга оширувчи идоралар ва институтларни мувофиқлаштириш ва кооперацияси самарали механизмларини яратиш;

- мутолаани қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш тизими муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, ахборот-кутубхона, нашриёт ва китоб савдоси фаолиятинининг нуфузи ва ижтимоий мақомини кўтариш;

- мамлакат ривожининг ижтимоий ва иқтисодий истиқболлари, жамият эҳтиёжлари, илм-фан, маданият, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқларидан келиб чиқиб, ахборот-кутубхона кадрлари, муҳаррирлар ва нашриётчиларни тайёрлаш тизими ва таркибини қайтадан ташкил этиш;

- мутоллани қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш соҳасида самарали халқаро ҳамкорликни ривожлантириш

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси:

илмий адабиётга бўлган эҳтиёжни таҳлил қилиш асосида ва республика илмий ва таълим муассасаларини ахборот билан таъминлаш мақсадида, жаҳоннинг етакчи компаниялари тўлиқ матнли маълумотлар базаларидан барча университет ва институтлар, илмий марказлар ва республиканинг етакчи ахборот-кутубхона муассасаларига фойдаланишни тақдим этиш ва республика худудларида илмий-таълимий маълумотлар базаларидан фойдаланиш бўйича махсус тренинглари ўтказишни назарга тутган ҳолда ҳар йили мунтазам пул маблағларини ажратишни кўзда тутиш;

ахборот хавфсизлиги ва шахснинг ахборот маданияти ва медиасаводхонлигини шакллантириш масалалари бўйича ёшлар учун медиациклларни тақим этиш ва ўтказиш масалаларида таълим муассасалари (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази, Халқ таълими вазирлиги)нинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш;

“Ахборот-кутубхона соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштириш даврида Ўзбекистон ахборот-кутубхона муассасалари мутахассисларининг ахборот маданияти ва медиасаводхонлигини шакллантириш” лойиҳаси (Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Халқ таълими вазирлиги, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси) асосида амалга оширилаётган “Шахс ахборот

маданияти асослари” ўқув-услубий мажмуасини юқори синф ўқувчилари, коллеж ва лицей ўқувчиларига мослаштириш бўйича чораларни қабул қилиш;

Молия вазирлигидан бюджетда (ташкilotнинг умумий бюджетининг 10%дан кам бўлмаган) харажатлар бандлари ва ажратилган маблағларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази, Халқ таълими вазирлигининг ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналарида мақсадли фойдаланишни кўрсатиш билан алоҳида бандларни тасдиқлашни илтимос қилиш, бу илмий-таълимий адабиётларни олишда маблағ билан таъминлашнинг ошиши ва комплекташга (китоб ва даврий нашрлар), анъанавий (босма), электрон (етақчи хориж нашриётларининг таълимий электрон маълумотлар базалари) ёрдам беради.

б) кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш, касб нуфузини ошириш бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигига:

- Тошкент давлат санъат ва маданият институтида социология, психология, мутолаа маданияти, ахборот-кутубхона хизмат кўрсатиш ва ҳ.к.з. бўйича ижтимоий ихтисосликлар ахборот-кутубхона факультетини очиш масалаларини ишлаб чиқиш;

- Тошкент ахборот технологиялари университетида ахборот-кутубхона муассасаларини автоматлаштириш, электрон кутубхоналар ва архивлар, илмий-техник ахборот маълумотлар базалари, корпоратив тармоқлар бўйича мутахассисларни тайёрлашга йўналтирилган (Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик йўналиши бўйича) “Ахборот-кутубхона тизимлари” кафедрасини ривожлантириш масаласини ишлаб чиқиш;

Тошкент ахборот технологиялари университети филиаллари (Қарши, Ургенч, Самарқанд, Фарғона)да “Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик” кафедраларини очиш имкониятлари ва мувофиқ квоталарни ажратишни кўриб чиқиш.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

Тошкент ахборот технологиялари университети кўмагида Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва ҳудудий ахборот-кутубхона марказлари қошида ахборот-кутубхона мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув-консультатив курсларини очиш ишларини олиб бориш;

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази касб нуфузи ва касбга бўлган қизиқишини ошириш, АКТ кўникмаларини ўстириш, мутахассисларнинг ишга бўлган ва ишибилармонлик фазилатларини юқори даражага чиқариш мақсадида босқичма-босқич ишларни давом эттириш ва 2017 йил май-октябрь ойларида ахборот-кутубхона мутахассисларининг “Ахборот-кутубхона муассасасининг энг яхши мутахассиси – 2017” танловини ўтказиши;

ахборот-кутубхона мутахассислари малакасини ошириш мақсадида мутахассисларнинг халқаро стажировкалар, конференциялар, халқаро кутубхоналар бўйича танишиш турларида қатнашиш учун харажатлар бандларини олдиндан кўзда тутиш;

кутубхонашунослик, библиографияшунослик ва китобшунослик соҳасида, шунингдек ахборот-кутубхона жараёнига янги ахборот технологияларини жорий қилишнинг технологик, педагогик ва психологик жиҳатлари билан боғлиқ соҳаларда тадқиқотлар ўтказилишини кенгайтириш.

в) ахборот-кутубхона ҳамкорлиги ва айирбошлаш бўйича:

Вилоят ҳокимиятлари – Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгашнинг худудий органлари:

Ўзбекистон Республикаси вилоятларида фойдаланувчиларга ахборот-кутубхона хизматини кўрсатишни оптималлаштириш мақсадида ахборот-кутубхона муассасаларининг биноларини номуносиб жойларга кўчиришни тўхтатиш.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги зиммасига олий ўқув юртларида ҳимоя қилинган бакалавр ва магистрларнинг битирув малакавий ишлари (электрон шаклда) Ўзбекистон Миллий кутубхонаси диссертациялар базасини кенгайтириш ва фойдаланувчиларга илмий ва тадқиқот йўналишлари бўйича керакли ахборотларни тақдим қилиш имкониятларини кенгайтиришда кўмак беришини юклатиш.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбеккино, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги зиммасига хужжатли фильмлар, ахборот сюжетлари, билим ортириш учун хизмат қиладиган дастурлар ва бошқ. Ўзбекистон Миллий

кутубхонасида келажакда сақлаш ва оммалаштириш учун медиумаҳсулотларни сақлашнинг ягона серверини яратишни юклаш;

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, “Маҳалла” фонди:

аҳолига ахборот-кутубхона хизмат кўрсатишни кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг барча вилоят ва туманларидаги янги очиладиган маҳаллаларда Интернетга уланган бир комплект жиҳозлар (компьютер, принтер) ажратиш ва ўрнатишни, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси тақдим қиладиган турли йўналишдаги (дисклардаги 5 мингдан кам бўлмаган электрон китоблар) адабиётлар ва меъерий хусусиятга эга (lex.uz, norma.uzга ўхшаш) электрон маълумотлар базалари билан маҳалла кутубхоналари электрон фондини шакллантириш масалаларини ҳал қилишни “Маҳалла” фонди зиммасига юклатиш

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси:

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси китоб алмашишни фаоллаштириш бўйича халқаро бирлашмалар, библиографик алшашиш ва хориж кутубхоналари билан тажриба алмашишни ривожлантириш бўйича ишларни давом эттириш;

Республиканинг барча ахборот-кутубхона муассасалари, “Ўзархив” агентлиги, Ўзбекистон Республикиси Фанлар академияси шарқшунослик институти ва бошқ., Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ЮНЕСКОнинг ташаббуси билан ташкил қилинган “Жаҳон хотираси” ва “Ҳамма учун ахборот” дастурлари бўйича миллий комитетлар ишини фаоллаштириш;

Ўзбекистон ахборот-кутубхона муассасалари ҳолати ва фаолиятини кўрсатиб турувчи, бирламчи статистик маълумотларни йиғиш, ишлов бериш ва сақлаш жараёнларини автоматлаштириш, статистик маълумотлардан кўп марталик фойдаланиш, маълумотларни кўп мезонли таҳлил қилиш ва кўриб туриш, статистик ҳисоботлар юзага келиши созланган даражасини батафсил кўриш, фойдаланувчилар эҳтиёжларига мувофиқ, маълумотларни қатъий белгиланган тақдим қилиш мақсадида республика ахборот-кутубхона муассасалари фаолияти мониторинги бўйича техник лойиҳани ишлаб чиқиш ва ишга тушириш.

Конференциянинг якуний мажлисида қабул қилинди.

2017 йил 27 апрель

Ўзбекистон, Наманган шаҳри